

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 22 963,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 6,9 % га ўсди.

2019 йил январь-сентябрь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 7 435,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,9 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш

	Млрд. сўм		2018 йил январь-сентябрга нисбатан, % да
	2018 йил январь-сентябрь	2019 йил январь-сентябрь	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	17 527,5	22 963,7	106,9
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17 120,9	22 233,7	106,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	406,6	730,0	110,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	17 120,9	22 233,7	106,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 926,2	9 996,8	102,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4 303,9	6 034,7	116,3
саноат	3 369,7	4 790,4	118,7
қурилиш	934,2	1 244,3	107,5
Хизматлар	4 890,8	6 202,2	105,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 231,0	1 445,5	104,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1 109,2	1 215,6	104,2
бошқа хизматлар	2 550,6	3 541,1	105,7

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш сураъти -102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 45,0 %), саноат – 118,7 % (21,5 %), қурилиш – 107,5 % (5,6 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,4 % (6,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,2 % (5,5 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,7 % (15,9 %) ни ташкил этди.

2019 йилнинг январь - сентябрида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,8 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,2 % ни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,3 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 45,0 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 27,1 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-сентябри (25,2 %) билан таққосланганда 1,9 % пунктга ошди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 27,9 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (28,5 %) билан таққосланганда 0,6 % пунктга камайди.


Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)




Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши – 6,5 % ни (2018 йил январь-сентябрь 7,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,5 % ни (6,5 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 15,9 % ни (14,8 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил
январь-сентябрь



2019 йил
январь-сентябрь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Навр учун масъул: Х.Хамракулов
Тел: (0-371)230-82-60
(0-374) 228-29-77